



ЙИЛ САРҲИСОБИ: ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР

Ўтаётган йил сарҳисоби янги режаларни тузиш ва амалга ошириш учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши барчага маълум. Мамлакат тараққиётида малакали кадрлар ва юксак билимга эга бўлган мутахассисларнинг ўрни бекиёс. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим системасини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни замон талабларига муносиб қилиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу эса, ўз ўрнида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сонли қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариб, қамровини кенгайтди, деб бемалол айта оламиз. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ташкил этилган «Ўзбекистонда хорижий тиллар» электрон журнал ва Интернет портали тахририяти қаддини тиклаб, мустақил қадам ташлаётганига ҳам бир йил тўлди. Бошқача айтганда, электрон журнал ва Интернет порталimiz якунланаётган “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ишларнинг меваларидан биридир. Зеро, ўтган қисқа давр ичида электрон журналнинг учта сони эълон қилиниб, у давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос равишда республика миқёсида хорижий тилларни ўрганишга оид назарий ва методологик муаммоларни

ёритиш, хорижий тилларни ўқитишда замонавий таълим технологияларини жорий этиш, узлуксиз таълим тизими ва халқаро таълим дастурлари доирасидаги янги ва истиқболли лойиҳалар натижаларини оммалаштириш борасида олдиға қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалға оширмоқда.

Электрон журнал ва fledu.uz порталини янада ривожлантириш, унда нафақат Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, балки республикамизда ва жаҳонда мазкур йўналишда амалға оширилаётган ишларни кенг ёритиш, хорижий тилларни ўқитиш бўйича халқаро тажрибаларни мунтазам ёритиб бориш 2015 йилда олдимизда турган вазифалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Президентимиз томонидан янги йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан хорижий тилларни ўқитиш борасида бой илмий, назарий ва амалий тажрибаға эға бўлган катта авлод вакилларининг мазкур йўналишдаги мақолалари ҳам электрон журнал саҳифаларида эълон қилиб борилиши режалаштирилмоқда. Бу эса хорижий тилларни ўқитиш соҳасида илмий изланиш олиб бораётган ёш олимлар, барча даражадаги, яъни умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва олий ўқув юртларида фаолият юритаётган чет тиллари ўқитувчилари учун яхши қўлланма бўлишиға ишонамиз.

Мен аҳил жамоамиз номидан электрон журнал ўқувчиларини кириб келаётган Янги 2015 йил билан табриклаб, ҳар бир инсон учун у том маънода янгилашиш, юксалиш ва орзуларнинг ушалиши йилиға айланишини тилайман!

**Хурмат билан,
Бош муҳаррир**



Темур ОЛТИЕВ

Роман-герман филологияси факультети декани
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сонли ҳамда 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сонли қарорларини бажариш ҳар бир профессор-ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўргатиш, ўрганган тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон тамаддуни ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ҳамда мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Университет профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда Германия, Франция, Испания сингари мамлакатлардан келган мутахассислар замонавий технологияларни қўллаб машғулотлар олиб бормоқдалар.

Немис, француз, испан тиллари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ташкил этилган клублар фаолият юритмоқда. Германиялик мутахассис Райхел томонидан ташкил этилган немисча фильмлар клубида талабалар немис тилида фильмларни томоша қилиш ҳамда кўрган фильмлари устида баҳс-мунозаралар олиб боришга муяссар бўлишди.

Германиянинг Майнц университети ҳамда немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўртасидаги шартномага мувофиқ “Адабий матнлар устида ишлаш” мавзусида семинар ташкил қилинди. Ушбу Майнц университети